

Oriental Journal of Philology**ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY**

journal homepage:

<http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about>**A SUFI INTERPRETATION OF UBAYDI'S WORK****Muhammad Kh. Abdullaev***PhD in Philology, Associate Professor**Department of Theory and Practice of Arabic Translation**Uzbek State University of World Languages**e-mail: muhammadxonxamzayev@gmail.com**Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

Key words: Ubaydi, Al-Jahiz, Al-Mubarrid, Ibn Qutaiba, Makhdumi Azam, exegesis, jurisprudence, Harun al-Rashid.

Received: 08.05.26**Accepted:** 09.05.26**Published:** 10.05.26

Abstract: This article examines the influence of Arabic literature on Persian and Turkish literature and, as a result, the positive development of mystical poetry in Uzbek literature, as well as the emergence of commentaries and interpretations of poems. Information is also provided on the literary environment during the Timurid and Shaybanid periods and the development of mystical literature in particular. For example, mystical ideas are reflected in the poetry of Ubaydi. The article also presents information on the emergence of Orientalist literary studies and the school of exegesis, as well as their positive influence on Uzbek literature.

УБАЙДИЙ ИЖОДИ ТАСАВВУФИЙ ТАЛҚИНИ**Муҳаммад Ҳ. Абдуллаев***Филология фанлари номзоди, доцент**“Араб тили таржима назарияси ва амалиёти”**кафедраси**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети**e-mail: muhammadxonxamzayev@gmail.com**Тошкент, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

Калит сўзлар: Убайдий, Ал-Жоҳиз, Ал-Мубаррид, Ибн Қутайба, Махдуми Аъзам, шорехлик, соликлик, Ҳорун ар-Рашид.

Аннотация: Мазкур мақолада араб адабиётининг форсий ва туркий адабиётга таъсири ва унинг натижасида ўзбек адабиётида тасаввуфий шеърятнинг ижобий ривожи ва шеърлар ҳақида шарҳлар ва талқинларнинг вужудга

келиши. Шунингдек, темурийлар ва шайбонийлар давридаги адабий мухит ва хусусан тасаввуф адабиётининг ривожига ҳақида маълумот берилади. Масалан Убайдий шеърларида ирфоний ғояларнинг акс этишини кузатишимиз мумкин. Мақола шарқ адабиётшунослигини вужудга келиши ва шорехлик мактаби ҳамда унинг ўзбек адабиётида бўлган ижобий таъсири ҳақида маълумот беради.

СУФИЙСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ТВОРЧЕСТВА УБАЙДИ

Мухаммад Х. Абдуллаев

Кандидат филологических наук, доцент

Кафедра «Теория и практика арабского перевода»

Узбекский государственный университет мировых языков

Эл. почта: muhammadxonhamzayev@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Убайди, Аль-Джахиз, Аль-Мубаррид ибн Кутайба, Махдуми Азам, толкование, юриспруденция, Харун ар-Рашид.

Аннотация: В данной статье рассматривается влияние арабской литературы на персидскую и турецкую литературу и, как следствие, позитивное развитие мистической поэзии в узбекской литературе, а также появление комментариев и интерпретаций стихотворений. Также представлена информация о литературной среде в периоды правления Тимуридов и Шайбанидов и о развитии мистической литературы в частности. Например, можно наблюдать отражение мистических идей в поэзии Убайди. В статье также представлена информация о появлении востоковедческого литературоведения и школы экзегезы, а также об их позитивном влиянии на узбекскую литературу.

Кириш. Тарихчи Ибн Халдун “Муқаддима” асарида таъкидлаганидек, Шарқ адабиётида дастлаб, аббосийлар даврида бадий адабиёт фан сифатида қабул қилинган. Халифа Ҳорун ар-Рашид замонида Бағдодда Шарқ адабиётининг тамалтоши қўйилади. Аниқроқ айтганда, жаҳон адабиётшуносликка оид илмининг илк пойдевори қўйилган. Унда ўша даврнинг машҳур олимларидан, Аби Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муслим ибн Қутайба “Адабул Катиб”; Абу Усмон Амр ибн Баҳр ибн Маҳбуби ал-Киноний--Жоҳиз “Ал-баён ваттабийн”; Абул Аббос Ал- Мубаррид “ Китаб ул-Камил” ва Абул Алийил ал-Қолийнинг

“Ал-наводир” асарлари жаҳон адабиётшуносликда асосий манба сифатида тан олинган. (Ibn Khaldun, 2005).

Тарихдан маълумки, асосий адабиёт фани араб олимлари томонидан асос солинса-да, ғайриараб-ажам олимлар бу фанни ривожига катта ҳисса қўшадилар. Мисол тариқасида, Хусайн ибн Аҳмад ибн Хусайн Аз-Завзаний Хуросоний биринчилардан бўлиб адабий асарлар шорихлик мактабига асос солади ва шундан кийин арабу форсийлар ва туркий олимлар орасида адабий асарлар талқину таҳлили ва уларга шарҳ ёзиш анъана тусига киради. (Al-Zawzani, 2018).

Ўзбек адабиётида шорихлик илми салжуқийлар ва усмонийлар даврида, манбалар асосида, ўзининг юқори чўққисига чиқади. Мисол тариқасида усмонийлар даврида Миср таржима ва шорихлик мактаби ва унда босниялик Шайх Судий туркий шорихлик мактаби фидойиларидан бири эди, у Румийнинг маснавийси, Ҳафиз Шерозий ва Саъдий Шерозий асарлари туркий тилда таржима ва тасаввуфий шарҳини ёзади. (Sudi, n.d., No. 6334–6335).

Темурийлар ва ундан кейин шайбонийлар даврида келиб бу анъана форсий-туркий шорихлик мактабида араб шорихлик мактабидан ўзгача, шеъриятга ўзгача тасаввуфий шарҳ ёзиш анъана тусига киради. Шайбоний-лар силоласидан бири араб, форс ва туркий адабиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшган ва шеъриятнинг турли жанрларда ижод қилган, хусусан, 900 га яқин форсий ва туркий рубоий ёзиб, бу жанрнинг ғоявий-бадий ривожига салмоқли ҳисса қўшган, фасоҳату балоғатли шоирлардан бири Убайдий бўлиб, у мазкур жанрга ўзига хос рух, мазмун ва оҳанг бахш этган, яъни у тасаввуфий мазмундаги рубоийлари билан бу жанрни янада бойитди. (Ubaydullah Khan, n.d., No. 8931) Илохий маърифатни мушоҳада қила олган орифтабъ шоир бўлганлиги учун унинг рубоийларида орифлик ва фақирлик хақида кўплаб орифона ғоялар зикр этилади. Хасанхўжа Нисорий Убайдийнинг "Тасаввуфда фикрлари мазмуни асослик ва кучли бўлиб, чуқур маъноларни дилписанд ибораларда баён этганлигини ёзади ҳамда Убайдийнинг Махдуми Аъзамга юборган рубоий-ларидан намуналар келтиради. (Hasan Khoja, 1993; Makhdumi Azam, n.d., No. 3386; 11260)

Адабиётлар таҳлили ва методология. Дарҳақиқат, Убайдий “Имоми Аъзам, Махдуми Аъзам” лақаби билан танилган Саййид Аҳмад Хожагий ибн Саййид Жалолиддин - Косоний (1464-1542) пири Махдуми Аъзамга тасаввуфий мазмундаги ўзининг бир неча араб, форсий ва туркий рубоийларидан юборади. Ислом оламида ўз даврининг улуғ шайхи ва шариат олими бу рубоийларни ўқиб, унга шарҳи иршодий (суфиёна) “рисола” ёзади ва ўзининг муносабатини рубоийлари билан шоир рубоийларининг мазму-нини тўлдириб боради. Бу икки муаллиф рубоийлари “вахдати шухуд” тушунчаси асосида тасаввуфнинг бир қатор нозик нуқтали масалаларини ёритишга қаратилган. “Вахдати вужуд”дан фаркли улароқ”

вахдати шухуд”, Холиқ ва махлуқ муносабатини Куръону ҳадис асосида талқин қилувчи ғоя ва маслакдир. Нақшбандия шайхлари ”ни ҳам эътироф этган холда ўзларини” ваҳдати шухуд” тарафдорлари деб ҳисоблайдилар. Рубойи ана шу жиҳатдан шарҳланган ва уларта шу асосда ёндашиш мақсадга мувофиқ. Зотан, “вахдати шухуд” илм ҳам эмас, фалсафа ҳам эмас, балки илоҳий нур ва гузалликдан кўп завқу шавқ ҳосил этувчи бир тажриба ҳолати, деб қабул қилинган. Хўп, савол туғилиш мумкин, нега Махдуми Аъзам рубойи жанрига эътибор қаратади? Чунки аҳли тасаввуф наздида рубойи жанри бошқа жанрларга нисбатан мартабаси баланд ҳисобланган, яъни Шунинг учун рубойи аҳли тасаввуф наздида “табаррук” ҳисобланади ва Убайдий тўққиз юздан зиёд рубойиси сон жиҳатидангина эмас, балки маъно-мазмун жиҳатдан ҳам эътиборли. (Dekhudo,1998.)

Натижалар.Убайдийнинг форсий бир рубойида: *بينم او با همه بينم ،كي جيز هر* “ҳар чиз, ки бинам, ҳама бо ў бинам”, яъни нимани кўрсам, барчасини Унда (Аллоҳ) кўраман, дейилганда “вахдати шухуд” ҳолига ишора қилинапти. Бундан ташқари, рубойиларда ошиқлик, “зикри тажаллий”, пиру муридлик ва ҳоказо мавзулар ҳам ёритилганки, Махдуми Аъзам уларнинг ҳар бирини нозик дид ва заковат билан шарҳлаб беради, Шорих қўйидагича шарҳини бошлайди; Ҳамд бўлсин Аллоҳгаки, толибу ошиқлар қалбларини ўзининг исми ва сифоти тажаллиёти нури бирла поклади. Ва жамолини мушоҳада қилиш учун орифу муҳаққиқларнинг кўзларини равшанлантирди.

Гофил машав, ки моя зулумот ғофили аст,

Бо ёди дўст бош, ки жонро холи кунад.

Мазмуни:

Гофил бўлма, асл зулумот ғофилликда,

Дўстнинг ёнида бўл, бу жонни поклайди.

Чунки инсон ҳаёти моҳияти Ҳақ субҳонаху ва таоло ҳузурида огоҳ - хушёр туришдан иборат. Агар инсон шу ҳолатда бўлмас экан, гўё у мурда, чунки бундай ғафлат ичра яшашдан яшамагани афзалдир.

Байт: (муаллиф - Махдуми Аъзам)

Гар умри мани дилшуда з-нисъён гузарад,

Нобудани ман бех аст аз будани ман.

Мазмуни:

Менинг умрим унутиш бирла ўтса,

Бўлганимдан бўлмаганим яхшироқ.

Убайдий қуйидаги рубойини айтади:

Ҳар кас, ки ба нафси хеш қодир набувад,

Дар мазҳаби аҳли ишқ зоҳир набувад.

Мурда бех аз он зинда, ки аз ёди Худо

Як лаҳза шавад ғофилу ҳозир набувад.

Мазмуни:

Киши ўз нафсини бошқаришга иложсиз бўлса,

Ишқ аҳли мазҳабида зоҳир бўлмаса,

У тирикликдан ўлмоқ афзалдир,

Агар Аллоҳ ёдидан бир лаҳза ғафлатда бўса ва ҳозир бўлмаса.

Бу сингари ғофилларни аҳли ишқ мазҳабида гумроҳ дейилади. Айтишади: Агар ҳозирсан мўминсан ва агар ғофилсан гумроҳсан.

Байт:

Агар ин ғофили пайваста гардад,

Дари ислом бар вай баста гардад.

Мазмуни:

Агар бу ғафлат кетма-кет бўлса,

Ислом эшиги унга ёпиқ бўлур.

Чунки ғафлат ва итоатсизлик тубан нафс сифатидир. Бундай нафс эгасини йўлдан уриб, уни куфру залолатга олиб боради. Лекин Ҳақ субҳонаҳу ва таоло шафқат ва марҳамат йўли билан ўзининг дўстлари суҳбатиға мушарраф айласа ва у (гумроҳ) улуғлар суҳбати шарофати билан ҳушёр тортиб, ибрат олсагина тавбаю истиғфор билан машғул бўлали. Чунки ҳадисда айтилганидек:

Ат-тоибу миназ-занби, ка ман ло занба лаҳу.

Мазмуни: Гуноҳга тавба қилгувчи, худди гуноҳи йўқдек.

Бу мазмунда Маҳдуми Аъзам қуйидаги байтни келтиради:

Тавба кун, в-ар хўрда, истиғфор кун,

Чун жароҳат шуд, рў доғ кун.

Мазмуни:

Тавба қил еган-ичгандан ва истиғфор айт,

Чунки жароҳатланди, юзингни доғла.

Бу байтда ўз нафсига хитоб қилиб, уни маломат килади. Чунки нафс саркашу куфрони неъматки, бу инсоннинг қабих ҳолати. Энди у надомат ва пушаймонлик мақомида. Бу надомат мақоми кишининг тавфиқ соҳиби бўлганлиги ва шу билан Ҳақ субҳонаҳу ва таоло азиз килиши нишонасидир. Бу ҳақда Хотам Тойининг ҳикматлари бор: Тавфиқ улуғ нарсаси, у азиз инсонларгагина берилади.

Ҳазрати Хон (Убайдий) нафсга хитоб қилиб ва ўтган умридан шикоят оҳангида рубоий айтган:

Эй нафс, даме мутеъи фармон нашуди,
В-аз кардани худ ҳеч пушаймон нашуди.
Алқисса, ба ҳукми ҳама мазҳабҳо,
Кофир шудиву ҳеч мусулмон нашуди.

Мазмуни: “Эй нафс, фармон (Аллоҳ буйруғи) га итоат қилмадинг, ўзинг ноҷўя ишлар қилатуриб пушаймон бўлмадинг. Алқисса, ҳамма аҳли тасаввуф мазҳаблар-ининг ҳукмига кўра, кофир бўлдингу мусулмон бўлмадинг”. Бунча маломату надоматлардан сўнг солиқ ўз нафсини бошқаришга қодир бўлади ва уни (нафс) тўғри йўлга бошқарадиган бўлади. Албатта, бу ҳолат пири қомил суҳбатидан кейин воқеъ бўлади.

Назми Маҳдуми Аъзам:

Суҳбати пир беҳ зи ҳар амал аст,
Ҳар ки бо у нишаст, дар амал аст.
Ин амал ҳамчу рози пинҳон аст,
Раҳ барат сўйи васли жонон аст.

Мазмуни:

Пир суҳбати ҳар қандай амалдан яхши,
Ҳар ким пир-олим билан ўтирса, гўё яхши амал қилибди.
Бу амал худди пинҳон Илоҳий роздек,
Жонон васлига элтадиган йўлдир.

Солиқнинг фикру зикри кеча-кундуз пири қомил суҳбатида ва унинг айтганларига амал қилиб, ўз нафсини пок-тоҳир қилишда бўлади. Ҳадисдагидек: амалларнинг яхшиси доимийлигидир. Солиқнинг нафси пок ва тоҳир булса, зоҳирӣ ва ботинӣ ифлосликлардан раббонӣ тавфиқ била ва пирнинг мадади ила тўғри йўлни кўради. Солиқнинг қалби “султони жазба” (эҳтиром мақоми) мақомига етиши солиқнинг шукридир. Чунки солиқ шариат зоҳирӣга риоя қилиб ва тариқат одоби билан одобланиб, қатта саодатта мушарраф бўлади. Кейин бу мақомдаги солиқ шукр йўлида (тариқат йўлида) давом этишига сабаб бўлади. Бу йўл энг олий даражасидаги мақомга олиб боради. Қуръони қаримнинг “Иброҳим” сураси 7-оятда Аллоҳ таъало “ - لأزِيدنكم شكرتم لئن - ” Қасамки, агар шукр қилсангиз, албатта, сизга зиёда қилурман”, деб шоқирларни икки дунё саодати билан қувонтиради.

Убайдий мазкур оятдан руҳланиб, қуйидаги рубоӣсини айтади:

Сад шукрки, аз аҳли шариат шудам,
Аз зумраи арбоби тариқат шудам.
Асрори ҳақиқат аст матлубам, аз он
Жўяндаи асрори ҳақиқат шудам.

Мазмуни: Шукрлар бўлсинким, шариат аҳлиданман ва тариқат арбоблари тоифасиданман, талабим ҳақиқат сирларидир, ундан келиб чиқиб ҳақиқат сирларини истовчисиман.

Бу мақом солиқнинг дарди истагининг аслидир. Ҳадисда келганидек:

“Ким бир нарсани истаса ва бу йўлда ҳаракат қилса, топади”.

Солиқ Ҳақнинг сиру асрорлари ва маорифини истагандан сўнг “Асрори Ҳақ” мақомига етади.

Назми Махдуми Аъзам;

Ман талаб кардам висолаш рўзу шаб,

Ёфтам инак ба ҳукми “ман талаба”.

Мазмуни:

Мен кеча-кундуз висолини истадим,

Энди топдим "ман талаба" ҳукми билан.

Яна;

Дар талаб зан доимо ту ҳар ду даст,

К-ин талаб дар роҳи неку раҳбараст.

Мазмуни: Талабга ҳар доим икки қўлни ур, чунки яхшилик йўлидаги талаб мақсадга олиб боради.

Бу тил (сўзловчи) маорифи Илоҳий асрорини топгандан сўнг хурсандлигидан айтадиган солиқ тилидир.

Байт: (Махдуми Аъзам)

Дони чи касонанд асирони раҳи ишқ,

Мотамзадаи, сухтаи дар Бадре чанд.

Ишқ инжо оташ асту ақл дуд,

Ишқ чун ояд, гурезад ақл зуд.

Мазмуни: Ишқ йўлидаги асир кимлигини биласанми? Улар Бадр жангида бир неча бор қуйган мотамзадалардир. Ишқ бу ерда олову ақл эса тутундир. Ишқ келиши билан ақл қочади.

Рубоий (Убайдий):

Ишқ омаду шуд чу хунам андар дилу пўст,

Нест кард маро аз ману, пур кард зи Дўст.

Ажзои вужудам хамаги ҳўст гирифт,

Нест зи ман бар ману, боқий хама ўст.

Мазмуни: “Ишқ келиб бутун вужудимни эгаллади. Мени ўз вужудимдан айри килиб, дўстга вужудимни берди. Вужудим аъзоларини дўст олиб, менга ҳеч нарса қолдирмай, барчасига ўзи соҳиб бўлди”.

Хикмат: “ ربه عرف نفسه عرف من - Ўзини таниган Парвардигорини танибди”.

Солик нафсини танигандан кейин, Аллоҳни ва унинг дўстларини танийди, бутунлай ўз ҳақиқатига восил бўлади. У вақтда ҳар нарса ундан содир бўлса, ўшанда унинг забони ҳоли йўқки, баён қилса (бу ҳолатни тил билан баён килиб бўлмас). Пайгамбар а.с. айтадилар: “Фақирлик менинг фаҳрим ва у билан фаҳрланаман”. Ҳақиқатан, хазрати Хон (Убайдий) қуйидаги рубойида бу мақом ҳақида хабар беради:

Рубойи:

Онҳо, ки асири ишқи жонон бошанд,

Жуста ба хоки роҳ яксон бошанд.

Доранд агарчи сурати дарвешон,

Дар олами маъни ҳама султон бошанд.

Мазмуни: Жонон ишқи асири бўлганлар унинг қадами тўпроғини иштада ҳамкордирлар. Улар дарвеш сифат бўлсалар ҳам, лекин олами маънида султондирлар .

Солик ҳақиқий подшоликка эришганида ҳам, у дарвеш суратида ва иймон либосида бўлиб, зоҳирий подшолик ғаму андуҳларидан халос бўлиб, илоҳий завқ ҳолати ва мақомот, олий даражада пири бобарокот шарофати билан эрищади. Солик қалби нафс мақомидан қалб мақомига ўтади, ўзига ўзи таскин берадики, қалби бу (қалб) мақомидан яна нафсга қайтмайди, подшохи зоҳирийдан воз кечиб, ухравий салтанат эгасига айланади. Хон (Убайдий) бу ҳақда қуйидаги рубойини айтади:

Эй дил, ба сарири салтанат биншини,

Гар биншини, хазор ғам мебини.

Беҳтар зи бузургию калониву шаҳист,

Дарвешию номуродию мискини.

Мазмуни:

Эй дил, салтанат курсисига ўтирдинг,

Агар ўтирсанг, минг ғам кўрурсан.

Улуғлик ва катталигу подшоликдан,

Дарвешлигу мискинлик афзалдир.

Солик билдики, ҳамма гуноҳу нопокликлар натижада ҳақиқий маҳббдан узоқлашиш, бузгунчи нафс ва ботиний йўлтўсар шайтон ва шайтоний дўстлар суҳбатидан содир бўлар экан. Булар таъсирида олий мақомдан (қалб мақомиадно (паст) нафс мақомига тушиб қолади. Солик булардан хулоса чиқариб, баракотли пир суҳбати шарифи ва унинг

хизматида бўла туриб яна шайтон хийласи (жин ва инс) сабаб паст мартабага тушиб колишдан кўрқади. Бу ҳолат ҳақида Хон (Убайдий) дилга хитобан шундай дейди: (Рубоий)

Эй дил, на зи деу на зи дад метарсам,

На аз гами кори бади худ метарсам.

Дар олам аз инхо набувад тарсам, лек

Аз шарри мусохибони бад метарсам.

Мазмуни: Эй дил, мен на деу на йиртқич (паланг, шер) дан кўрқаман, На ўзим қилган ёмон иш оқибатларидан. Бу оламда булардан кўркмасман, Лек ёмон ҳамсуҳбатдошлар ёмонлигидан кўрқаман.

Билгин, эй толиби содиқ, одам фарзандлари аслида пок ва покиза бўладилар. Бу нопокликлар ва дунё талашишлар ҳаммаси мазкур нопок ҳамсуҳбатлар таъсирида ҳосил бўлади. Айниқса, улар ичида энг хавфлисиинс дўст (инсон) ларки, уларнинг ёмонлигидан кўрқиш ва доим эҳтиётда бўлиш керак. Чунки жин дўстлар ва нафси аммора пир суҳбати ва унга итоат қилиш билан йўқолади. Бир хикмат борки, раҳбар сояси Ҳақ зикридан афзал. Зеро, Шайтон Умар р.а. сояларидан қочар экан. Аммо инсон шайтонининг ёмонлигидан кутулиш мушкулдир. Чунки у сиз билан ҳамжинсдир. Шу сабабли ҳамма жойда, ҳамма вақтда сизнинг ҳузурингизга кела олади ва сизни оздиришта ҳаракат қилади. Шайх Саъдий таъкидлаганидек:

Кунад ҳамжинс бо ҳамжинс парвоз,

Кабутар бо кабутар, боз бо боз.

Мазмуни: Қилур ҳамжинс ўз жинсдоши билан парвоз, кабутар кабутар билан, лочин лочин билан.

Ҳадисда эса қуйидагича таъриф этилади; Ҳамжинс ўз ҳамжинсига талпинади.

Аллоҳ одамзодни таъсирчан қилиб яратди. Шунинг шунинг учун ҳар ким билан ҳамсуҳбат бўлса, таъсирланади. Инсон ёмон дўстлар билан ҳамсуҳбат бўлмаслиги зарурки, токи улар гуруҳига кириб қолмасин.

Хулоса. Шуни айтишимиз мумкинки, темурийлар ва ундан кейин шайбонийлар даврида келиб форсий-туркий шорихлик мактабида араб шорихлик мактабидан ўзгача, шеъриятга ўзгача тасаввуфий шарҳ ёзиш анъана тусига киради. Шайбонийлар силоласидан бири араб, форс ва туркий адабиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшган ва шеъриятнинг турли жанрларда ижод қилган, хусусан, 900 га яқин форсий ва туркий рубоий ёзиб, бу жанрнинг ғоявий-бадий ривожига салмоқли ҳисса қўшган, фасоҳату балоғатли шоирлардан бири Убайдий бўлиб, у мазкур жанрга ўзига хос руҳ, мазмун ва оханг бахш этган, яъни у тасаввуфий мазмундаги рубоийлари билан бу жанрни янада бойитди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Dekhoda, A.-A. (1998). Dekhoda dictionary. Lughatnāmeḥ-ye Dekhoda. – Tehran: University of Tehran Press. (in Persian)
2. Hasan Khoja, Nīsārī. (1993). Memoirs of Friends. Muzakkir al-aḥbāb. – Tashkent. (in Persian)
3. Ibn Khaldun. (2005). Al-Muqaddimah. Al-Muqaddima. (F.Rosenthal, Trans.). – Princeton University Press. (Original work published 1377). (in Arabic)
4. Makhdumi Azam, Dahbedi. (n.d.). Treatise. Risola (Manuscripts No. 3386, 11260). – Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies. (in Persian)
5. Al-Zawzani. (2018). Commentary on the Mu‘allaqa of Imru’ al-Qays. Sharḥ Mu‘allaqat Imru’ al-Qays. – Cairo: Dār al-Kutub. 200 p. (in Arabic)
6. Sudi, A. (n.d.). Commentary on the Ghazals of Hafez Shirazi. Sharḥ ghazaliyyāt Ḥāfiẓ Shīrāzī (Manuscripts No. 6334–6335). – Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies. (in Persian)
7. Ubaydullah Khan. (n.d.). The Divan of Ubaydi. Dīvān-i Ubaydī (Manuscript No. 8931). – Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies. (In Persian, in Arabic, in Turkish)